

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТАМАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК –ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

Мавзу :Замонавий ва перспектив мода ёъналишлари асосида
аёллар блузкаси моделларини танлаш ва асослаш.

Битирув малакавий иши

dfgdfgjhkl
КУРС ИШИ

Бажарди:

Ахмедов

Қабул қилди:

МУНДАРИЖА

Кириш

1. Конструкторлик

қисм

1.1. Замонавий ва перспектив мода ёъналишлари асосида кийим

моделларини танлаш ва

асослаш.....

1.2. Лойиҳаланаётган кийим учун материаллар танлаш ва асослаш

1.3. Кийимни конструкциялаш усулини танлаш ва асослаш.

Конструкция база асоси чизмасини ҳисоблаш ва қуриш.

База асосига мода хусусиятларини қўчириш.....

2. Технологик

қисм

2.1. Буюмга технологик ишлов бериш кетма-кетлигини тузиш

2.2. Оқимнинг дастлабки ҳисоби

3. Механика

қисми

3.1. Мавжуд тикувчилик машиналари турлари, узел ва механизмлари ҳақида маълумот

3.2. БМИ мавзуси бўйича берилган тикув машинасининг ишлаш принципи.....

3.3. БМИ мавзуси бўйича берилган машинанинг танланган механизмининг ишлаш принципи

3.4. Танланган механизмнинг структуравий тахлили (Чебишев формуласи)

4. Методика қисми

4.1. Таълимнинг фаол методлари ҳақида маълумотлар (20-25 бет)

4.2 Танланган таълим методи бўйича ўқитиш технологияси модели, технологик харита ва дарс ишланмасини ишлаб чиқиш (10-15 бет)

4.3 Мавзуга оид баҳолаш материаллари ва мезонларини ишлаб чиқиш. (10 бет)

5. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги

Хулоса.....

. Адабиётлар

**КИРИ
Ш**

1. Кострукторлик қисм

1.1. Замонавий ва перспектив мода ёъналишлари асосида аёллар блузкеси моделларини танлаш ва асослаш.

Мода пайдо бўлиши анчагина мураккаб воқеа бўлиб, жамият ҳаётидаги қатор-қатор омилларга боғлиқ, инсоннинг жуда кўп фаолиятига ўтади.

Мода - кийим формасининг ўзгариши яхшиланиши ва жамиятнинг турли гуруҳлари ўртасида расм бўлишидир. Мода ўз зонасига, турмуш зонасига ҳамоҳанг бўлиб, кишининг еҳтиёжини қондириш учун хизмат қилади ва кишилиқ жамияти тараққиёти, инсонлар ўртасидаги муносабатларини ривожланишига боғлиқ.

Ҳозирги замон модаси тарихини ўн йилликни ўз ичига оладиган даврларга бўлиш мумкин.

Ўн йил шундай муддатки, ҳар қандай мода шу давр ичида ўзининг барча имкониятларидан фойдаланиб улгуради.

Мода шартлиравишда даврларга бўлинади, унинг муддатини чеклаб бўлмайди.

Ҳар бир давр модасининг ҳам ўзига хос хусусиятлари бор. Яъни ўзининг ўзигахос пропорциялари, киши гавдасининг гўзаллик-эстетик томонини ҳисобланган масштаблари геометрик ҳажмлари ҳамда ранглари бор. Қисқача айтганда мода йил ва кун сайин жамият билан биргаликда ўсади, тараққий топади. Модаларнинг тараққий қилинишида модалар уйи, мода журналлари муҳим рол ўйнайди.

Энди ҳозирги давр янги 2014-йиллик модаси ҳақида гапирадиган

бўлсак: Блузка – бугунги кунда аёллар жавонида енг керакли ва қулай кийим

ҳисобланади. Уни ҳар қандай вазиятда турли хил юбкалар, шимлар, оёқ кийим ва бош кийимлари билан бойица бўлади. 2014-йилги блузкалар ўзининг кўп фасонли, турли хил ранг ва гуллари билан одамни қувонтиради.

2014-йилги ранглар палитрасида тўқ қизил, яшил ҳамда тўқ кўк ранглар еътиборга молик. Яна кундалиқ блузкалар учун кофе ва қумуш рангларини олиш

мумкин. Кундалиқ модада блузкаларни тўлдириб турувчи ингичка белбоғ айниқса қора ва оқиш рангдаги сумка, шарф, соат ва турли хилдаги тақинчоқлар урфда.

Оёқ кийимларидан ўртача пошналар, бурни учли туфли ҳамда етиқларни қўллаш мумкин.

"Модел" деган сўз лотинча сўз бўлиб "намуна" маъносини билдиради. Кийимга таълуқли қилиб айтганда модел деб рассом-моделйернинг фикри ва нияти гавдалантирган кийимнинг биринчи намунаси тушунилади.

"Моделлаштириш" термини остида мўжалланишини ва ташқий муҳитни, одам ташқий қурилиши ва материаллар хоссаларини ҳисобга олган ҳолда янги модел яратишнинг ижодий просессини назарда тутадилар.

Конструктив (техник) моделлаштириш деб кийим деталлари андазасини ёки уларнинг чизмаларини муносиб келадиган база асосида эскизга ёки янги модел нусхасига қараб ишлаб чиқарилишини муҳандислик жараёнига айтилади.

Моделларни ўрганиш ва анализ қилиш жараёнида авваломбор уларнинг хусусиятларини ва қандай база асосга тўғри келишини аниқлайдилар. Моделлар эскиздан ёки тайёр кийим нусхасидан ўрганилади.

Моделни кийим нусхасидан ўрганишни кийимнинг тури, силуети, бичилиши, размери, бўйи, тўлалиги гуруҳини аниқлашдан бошлайдилар. Кейин қандай материалдан кийим тайёрланган, унинг кўкрак, бел, сон, етак чизиқлари кенглигини, кенгликларнинг кўкрак чизиғи бўйича олд, орқа ва йенг ўмизи участкаларига тақсимланишини аниқлайдилар ва хоказолар.

Моделнинг сурати ёки эскизига қараб ўрганишда авваламбор унинг масштабини аниқлашдан бошлайдилар. Бундан кейин борт, ласкан чизиқлари, бел, сон ва етак чизиқлари жойланиши, тугма ва измалар, ҳўнтаклар ва хоказолар жойланилиши ўрганилади.

Композицион қўшимча ҳақлар миқдори тахминан аниқланади. Булар ҳаммаси масштаби линейка ёрдамида аниқланади.

Моделни ўрганиш босқичи янги кийим конструкциясини яратиш учун керак бўган барча маълумотлар аниқланганидан кейингина тугади, деб ҳисобланади.

Муносиб келадиган база асоси конструкциясини танлашда ва уни янги модел конструкциясига айлантиришда уч хил критериялар билан фойдаланиш мумкин.

-моделнинг ташқи кўринишига тавсиф

Трикотаж матосидан аёллар блузкаси.Блузка тўғри силуетли, марказий тақилма тақилган.Блузка тақилмаси учта тугма ва учта измада тақилади.

Блузканинг йенги узун, пастки қисми манжетли.Манжет учта тугма ва учта измада тақилади.Блузка ёқаси қайтарма ёқа.Блузканинг пастки қисми ағдарма чок билан тикилган.Трикотаж матосидан аёллар блузкаси баҳор ва куз мавсумига тавсия етилади.

- моделнинг ташқи кўринишига тавсиф

Трикотаж матосидан тикилган аёллар блузкаси.Блузка тўғри силуетли, марказий тақилма тақилган.Блузка тақилмаси учта тугма ва учта измада тақилади.

Белида тўқ қизил рангли ингичка белбоғи бор.Блузканинг йенги калта, пастки қисми манжетли.Блузка ёқаси қайтарма ёқа.Блузканинг пастки қисми ағдарма чок билан тикилган Трикотаж матосидан аёллар блузкаси баҳор ва куз мавсумига тавсия етилади.

- моделнинг ташқи кўринишига тавсиф

1.2 Лойиҳаланаётган аёллар блузкаси учун материаллар танлаш ва асослаш

Кийимлар аниқ техник, гигиеник, эстетик, иқтисодий талабларга керак.жавоб бериш

1. Техник талаб.

Кийимларга қўйиладиган техник талабларга, хом-ашё сифатига бўлган

талаблар ва буюмни тикишда қўйиладиган талаб. Буюм тайёрлашда асосий ва ёрдамчи материаллар давлат стандартларига ва техник талабларга жавоб бериши керак. Кийим тикишда буюм деталлари танда бўйича ва тук ёъналиши бўйича бичилади. Кийим берилган шаклини сақлаш, кийишда мйенгилаҳкам

бўлиши, ювишга ва кимёвий тозалашга чидамли бўлиши зарур.

2. Гигиеник талаб.

Буюмга қўйиладиган гигиеник талаблар қуйидаги кўрсаткичларни : кийим иссиқни сақлаш хусусиятига ега бўлиши, гигроскопиклиги, хаво ўтказувчанлиги, сув ютувчанлик хусусияти, ифлосланмаслик, ташқи таъсирларга чидай олишликларини ўз ичига олади. Буюмларнинг гигиеник талаби ундан фойдаланиш жойига боғлиқ.

3. Эстетик талаб.

Кийимнинг бадий безатилиши инсон хохиши даражасида еҳтиёжлари кондириш киради. Кийим оддий, қулай шу билан бирга нуқсонсиз ва чиройли бўлиши зарур.

4. Иқтисодий талаб.

Кенг истемол молларини орзон ва юқори сифатли қилиб ишлаб чиқариш асосий бўғин ҳисобланади.

Трикотаж барча тўқимачилик маҳсулотлари каби тўқимачилик толаларидан тайёрланади. Улардан калава ип, ип тўқима, трикотаж мато-маҳсулот, нотўқима маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, халқ истеъмол моллари турлари асосини ташкил етадилар.

Тўқимачилик толалар келиб чиқиши, олиниш усули ва кимёвий таркиби бўйича икки гуруҳга бўлинади: табиий ва кимёвий. Яъни саноат корхоналарида ишлаб чиқарилиши бўйича тасниф шаклида қуйидаги кўринишда берилган.

Табиий толалар ўз навбатида ўсимликлардан олинадиган (селлюлозали-пахта, зиғир, каноп ва бошқалар), ҳайвонлардан олинадиган (оқсил-жун, табиий ипак) ва қазилма ноорганик моддалардан олинадиган (асбест).

Кимёвий толалар ҳам ўз навбатида турланадилар. Айримлари табиий ҳайвонлардан ва қазилма ноорганик моддалардан, кимёвий таркиби бўйича сунъий деб аталадилар, бошқалари еса мураккаб кимёвий реакциялар натижасида оддий модда молекулаларининг синтези орқали вужудга келадиган янги кимёвий моддалар синтетик толалар деб аталади.

Трикотажнинг физик механик хоссалари хусусияти фақат ўрилишининг турларига емас, материал тола таркибига ,уни ташкил етган

ипининг тузилиши ва қалинлиги материал зичлиги ва пардозлаш операцияларининг характериға бўлиқ.

Буюм ишлаб чиқаришда кўндаланг ва тандали бир ва икки қаватли трикотаж полотнолари қўлланилади.

Йенгилки трикотаж буюмлар ассортиментига жакетлар, жилетлар, костюмлар, кўйлақлар, свитерлар, спорт костюмлари, жемперлар киради, улар конструкциясига, моделиға ва безаш усуллариға кўра турли тумандир.

Аёллар блузкаси учун асосий мато сифатида қуйидаги матолар қўлланилади фақат пахтадан(ёки пахтага вискоза лавсан аралаштириб, тўқилган трикотаж полотнолар). Буюмларни тайёрлаш учун қўлланиладиган трикотаж полотноларнинг ассортименти ўрилишларининг, тола трикотажнинг нақшли эффектнинг турига қараб ва физик-механик хусусиятлари бўйича турли хил бўлади.

Трикотаж ички кийим, усти кийим ва спорт услубидаги буюмларни тайёрлашда қўлланилади. Кейинги йилларда тикувчилик тармоғида еркаklar ва аёллар, болалар кўйлаklари ва палтолари тайёрлаш учун ўз шаклини сақлайдиган трикотаж полотнолари кўп миқдорда кириб келди.

Тиқиладиган клево хакида ёзамиз

Тавсия этиладиган материаллар тавсифи

№	Материал номи	Артикул	Ени, см	Толавий таркиби, %
1.	Рибана трикотаж полотноси	РН-001; РН-002; РН-003; РН-004	100	95% ип/газлама 5% лайкра
2.	Рибёана трикотаж полотноси	РЛ-001; РЛ-002; РЛ-003; РЛ-004	110	95% ип/газлама 5% лайкра
3	Рибана трикотаж полотноси	РХ-001; РХ-002; РХ-003; РХ-004	100	95% ип/газлама 5% лайкра

1.3. Кийимни конструкциялаш усулини танлаш ва асослаш. Конструкция база асоси чизмасини ҳисоблаш ва қуриш. База асосига мода хусусиятларини кўчириш

Кийим ва унинг алоҳида қисмларини тикилгандан кейин ҳажмий сиртний шакллантиради. Кийим деталлари текис материалдан бичилади, масалан матодан, трикотаждан, тўқилмаган материаллардан. Шунинг учун кийимларни конструкциялашнинг асосий вазифаларидан бири текис материалдан ҳажмий шакли жисмларнинг қобикларини ҳосил қилиши ва тескари масалани ечиш, яъни кийим қисмларининг сиртларини текисликда ёйиш - кийим деталларининг ёйилмасини ҳосил этишдан иборатдир. Сиртнинг ёйилмаси деб, текисликда ҳосил бўлган геометрик фигурага айтилади.

Дастлабки маълумотлар характериға қараб мавжуд бўлган конструкциялаш усуллари 2 синфга бўлиш мумкин.

И синфга мансуб усуллар типик одам гавдасининг размер ўлчамларига ва қўшимча ҳақларга кийим деталларини типик бўлакларини

ва уларни шакл ҳосил

килиши ҳақида маълумотларга асосланган бўлиб, улар кийим деталларининг муҳим конструктив нуқталарини жойланишини тахминан аниқлайдилар.

ИИ синфга мансуб усуллар анча аниқ бўлиб, улар кийимнинг эталон - нусхасининг ёйиладиган сиртининг ўлчашга асосланган бўлиб, кесишувчи сиртлар

усули, Схебишев усули, муляж ва тўр-канва усуллари шулар жумласидандир. ИИ синф усуллари материалнинг геометрик

структурасида рўй берадиган

ўзгаришларни ҳисобга олишга асослангандирлар;

материалларнинг геометрик структурасининг ўзгариши

уларнинг фазовий ҳолатдан текис ҳолатга ўтиши натижасида рўй беради.

ИИ синфга мансуб конструкциялаш усуллари турли ёллар билан олиб борилади. Масалан, ўзаро кесишувчи сиртлар усули - график ва аналитик усуллари билан; Схебишев турлари усули 5 усул билан:

график; тўр-канва усули; текис акслар усули; аралаш усул; аналитик усуллар.

Ҳозирги вақтда кийимнинг янги

моделларини яратишда конструкциялашнинг

тахминий усуллари (1- чи синф усуллари) қулланилади.

Бугунги кунда барча маълум бўлган бичиш тизимлари кийимнинг ёенг муваффақиятли конструкция-чизмаларини такрор

тиклаш учун мўлжалланган ўзгача

шаклли ёзувлардан иборат. Бу конструкцияларнинг бирламчи андазалари олдин ишлаб чиқилган типик конструкциялар ва ески моделларнинг чизмаларини қўллаган ҳолда, тажриба ёйли билан олинадилар. Кийимнинг тажрибий нусхаларини тайёрлаш жараёнида андазалар туғрилиги аниқланганидан сўнг, барча андазалар туғри бурчакли ромга (туғри бурчакли координатлар тизими) жойлаштирилиб алоҳида конструктив нуқталарининг ва контур чизикларнинг жойланишини аниқловчи ҳисоблаш формулалари тузилади.

Янги кийим моделларини яратиш ижодий жараёни доим амалиётда нусха (намуна) тайёрлаш билан тугайди, чунки кўпчилик бўлғуси деталлар размерлари (ҳисоблаш формулалари таркибидаги ўзгарувчи микдорлар) модельер-рассом ва конструкторнинг модель ёенгилида ишлаш жараёнида аниқланади.

Саноатда кийимни конструкциялашнинг тахминий

усулларини такомиллаштириш бўйича кўпгина ишлар

амалга оширилган. 1956 й. Тикувчилик

Саноати Марказий Илмий текшириш институтида (СНИИШП) собиқ Совет Иттифоқининг бир қатор Моделлар уйи ишларини

умумлаштириш натижасида костюмини конструкциялашнинг

типик усули яратилди.

Усулнинг моҳияти ва чизмаларни қуриш техникаси бўйича бу типик усул олдинги бичиш тизимларидан тубдан ажралиб турмайди. Бу усул бўйича ҳам чизмаларни қуриш учун дастлабки маълумотлар сифатида гавда ўлчамлари ва ҳисоблаш ёйли билан топилган, қўшимча ҳақлар хизмат этадилар.

СНИИШП да 1960-1966 йи. ишлаб чиқарилган Кийимни
Конструкциялаш Ягона Усули шу ишлар жумласидандир. Олдинги
усуллар олдида бу усулнинг йенгилунлиги шундан иборатки,
оммавий ишлаб чиқаришда кийимни конструкциялашда
кабул етилган гавда тузилишининг аниқ типларига асосланган. Кийим
деталларининг конструкциясини бошланғич чизмаларини олд ва
орқа деталларни конструкциясини ишлаб чиқаришда
бошлайдилар.

1.2-

жадвал

**Типик фигуранинг абсолют рамер
ўлчамлари**

Кийим тури: Трикотаж матосидан аёллар блузкаси

Размери, бўйи 44,152 ИИ тўлиқлик гуруҳи.

№	Ўлчамлар номи	Схарт ли белгис	Қиймати
1	Бўй узунлиги	У _{бўй}	55
2	Бўйин ярим айланаси	БНЯА	18
3	Кўкрак айланаси И	КЯА И	41
4	Кўкрак ярим айланаси ИИ	КЯАИИ	44
5	Бел айланаси	БИЯА	35
6	Орқа кенглиги	ОрК	17
7	Олд кенглик	ОлК	18
8	Кўкрак маркази	КМ	8
9	Кўкрак баландлиги	КБ	25
10	Бўкса ярим айланаси	БКЯА	48
11	Йелка кенглиги	ЙеИК	13
12	Йелка узунлиги	ЙеУ	35
13	Йелка айланаси	ЙеИА	27
14	Олд бўлак узунлиги	ОИБУ	43
15	Орт бўлак узунлиги	ОрбУ	40
16	Йенг узунлиги	ЙеУ	38
17	анаси	ЙеИА	28
18	Бўйин ярим айланаси	БНЯА	18

1.3-жадвал

Кийим тўқислиги учун бериладиган қўшимча ҳақлар

Кийим түрі: Ип матосидан аёллар блузкеси

Размери, бўйи 44-158, ИИ тўлиқлик гуруҳи.

№	Қўшимча ҳақ номи	Сҳартли белгиси	Қиймати см
1	2	3	
1	Кўкрак чизиғи	Қк	5
2	Орт кенглик	ҚорК	1.5
3	Олд кенглик	ҚолК	1
4	Йенг ўмизи	Қ йен.ўм	3.5
5	Йелка ярим айланаси	Қ йелА	5-6
6	Йенг ўмизи чуқурлиги	Қ йеўСх	1.5-2

1.4-жадвал

Кийим конструкциясининг дастлабки

ҳисоби

[illegible]

Олд бўлак чизмаси

Ўтказма йенг чизмаси

Ҳисоблашларни бажаришда ва чизмани куриш давомида текшириш ҳисоблашларни амалга ошириш ва уларни чизмадаги қийматлар билан солиштириш лозим. Бу ўз вақтида хатоликлар ёъл қўйишни олдини олади.

Бундай текшириш ҳисоблаш жумласига қуйидагилар киради:

1. Ҳисоблаш жадвали бўйича кийимнинг олд, орқа, енг ўмизи ва етак қисми кенгликларини текшириш.

2. Чизма бўйича ва ҳисоблашлар бўйича енг ўмизини солиштириш. Ўлчанган қийматлар орасидаги фарқ $\pm 0,5$ см дан ошмаслиги керак.

3. Енг боши чинлари нормаси фактик ($P_{\text{пос.хак}}$) ва ҳисобланган ($P_{\text{пос.хис.}}$) қийматлари солиштириб текширилади.

$$P_{\text{пос.хак.}} = D_{\text{ок}} - D_{\text{пр.хак}}$$

$$P_{\text{пос.хисоб.}} = D_{\text{пр.хисоб.}} \cdot H$$

Қурилаётган қийматлар орасидаги фарқ $\pm 0,4$ см дан ошмаслиги шарт, бу миқдордан ошган ҳолда «енг-ўмиз» конструктив тугуни бўйича ҳисоблашлар ва чизма қурилишларини қайтадан текшириш лозим.

Текширилган конструкция база асоси чизмасига эскизга қараб модел хусусиятлари кўчирилади: кўкрак виточкасининг кўчирилиши, кийим деталларини бўлаккланиши (кокетка, релефлар, кесимлар ва ҳоказолар), тахламалар лойиҳалаш шулар жумласидандир.

Чизмага модел хусусиятларини кўчириш ягона конструкторлик ҳужжатлар тизими асосида олиб берилади. Чизмада конструктив чизиқларнинг шартли белгилари қўйилади. Чизмада барча асосий деталларнинг габарит ўлчамлари сантиметр (см) да кўрсатилади.

ИИ. ТЕХНОЛОГИК

ҚИСМ

2.1. Буюмга технологик ишлов бериш кетма-кетлигини тузиш

Оқимлар бир вақтда тикадиган буюм ёки моделлар сонига кўра бир фасонли, кўп фасонли ва кўп ассортиментли оқимларга бўлинади.

Бир турдаги ва бир хил фасондаги буюм тикиладиган ишлаб чиқариш

оқими бир фасонли оқим дейилади.

Бироқ ишлаб чиқаришни бундай ташкил етишда буюм ассортименти, айникса фасонларнинг хили истеъмолчилар ва савдо ташкилотларининг талабини етарли даражада кондира олмайди.

Бир вақтнинг узида бир хил турдаги, бироқ ҳар хил фасондаги буюмлар тикишга кўп фасонли оқим деб аталади.

Бир вақтнинг узида ҳар хил турдаги, аммо бирта группага кирувчи буюмлар тикишга кўп ассортиментли оқим деб аталади.

Технологик жиҳатдан бўлинмайдиган операция ишлаб чиқариш жараёнининг технологик жиҳатдан майдарок ишларга ажратиш мумкин бўлмаган яхлит бир элементдир (чўнтак қопқоғини ағдарма чок билан ишлаб чиқариш, елка чокини ишлаб чиқариш, ён чокларини ёриб дазмоллаш ва х.к.).

Ҳар бир тур кийимни ишлаб чиқариш жараёнидаги технологик жиҳатдан бўлинмас операцияларнинг мазмуни ва миқдори жараённинг ташкилий шаклларига боғлиқ эмас. Кийим ишлаб чиқариш усули ўзгариши билан бирга технологик жиҳатдан бўлинмайдиган операцияларнинг сони ва мазмуни ҳам узгаради. Кийимларнинг тикилиши қанчалик кўп, меҳнат сарфи қанчалик юқори бўлса, технологик жиҳатдан бўлинмас операциялар шунчалик кўп бўлади.

Кийимни ишлаб чиқариш технологик кетма-кетлиги жадвалнинг

3-хонасида ҳар қайси операция қандай ускунада бажарилиши кискартириб ёзилади:

Д- дазмол, М- машина, ММ- махсус машина, ПР- пресс, К- қўлда.

Ишнинг разряди тариф-квалификацияси справочниги бўйича белгиланади. Операция вақти ТИЧМИИИ ишлаб чиққан вақт нормасидан ёки хронометраж маълумотларидан олинади. Иш ўрнини тартиблаш вақти корхонанинг техника билан қанчалик қуролланганига боғлиқ. Дам олиш учун ва шахсий ехтиёжлар учун вақт операция вақтига нисбатан % да олинади.

Ишлаб чиқариш тартибини тузиб чиққандан кейин иш бирлиги вақтларини жамлаб, кийимни тикиб битказиш учун керакли умумий вақти аникланади.

Аёллар блузкасининг технологик кетма –кетлиги

2 Жадвал 2.1.

	Технологи к бўлинмас операция номи	Ихтисослик	Разряд	Вақт сарфи, сек.	Тавсия етилган жиҳозлар, мосламалар
1	2	3	4	5	6
1	Бичув сехидан бичиқларни қабул	Қ	1	50	Журнал
2	Бичиқлар сони ва сифатини	Қ	1	120	
3	Бичиқларни журналга қайд қилиш	Қ	1	33	
4	Бичиқларни иш жўйларга	Қ	1	56	
	Жам	Қ	1	229	

Буюм енгига ишлов бериш					
	Кийим енгини ён чокларини	М	3	30	“Жуки” дд
	Енг пастки қисмига мағизни	ММ	3	60	285 Россия

	бириктириб тикиш				
	Енгни дазмоллаш	П	4	30	
	Жам	П	4	120	
Олд ва орт бўлакка ишлов бериш					
7	Олд бўлак ёқа ўмизига бурмалар ўрнини белгилаш ва тайёрлаш	Қ	1	14	Бўр ва игначалар
8	Олд бўлак бурмаларини	Д	2	52	СС 392
9	Олд бўлак ёқасига мағиз тайёрлаш	Қ	1	42	
10	Орт бўлак ёқасига мағиз тайёрлаш	Қ	1	22	
	Жам	Д	2	110	
Кийимни тикиб					
12	Ишлов берилган буюмлар сифатини	Қ	1	64	
13	Олд ва орт бўлак елка чокларини	ММ	3	34	“Жуки” дд 555
14	Елка чокларини дазмоллаш	Д	2	30	СС 392
15	олд ва орт бўлак ён чокларини тикиб ёрмаш	ММ	3	64	“Жуки” дд 555
16	ЙОн чокларни дазмоллаш	Д	2	62	СС 392
17	ЙОқа ўмизига мағизни бириктириб	ММ	3	64	“Жуки” дд 555
18	Енг пастки қисммига резинна тикиш	ММ	3	68	«МИНЕРВА» (ЧЕХИЙА) 335-221
19	Буюм етагига резина тикиш	М	3	70	«ЖУКИ» (япония) мо-2516- дд4-300
20	Буюмни дазмоллаш	Д	2	54	СС 392
21	Енг қирқмаларни бириктириб тикиш	М	3	65	“Жуки” дд 555
	Жам	ММ	3	575	
Буюмга охирги ишлов бериш					
22	Кийимга охирги ишлов бериш ва НИИБ.	П	4	30	СС-371 “Паннония”
23	Буюмга корхона ёрлиғини осиш	Қ	1	26	
24	Буюмни ГОСТ аосида буклаш	Қ	1	30	
25	Буюмни селофан халтачага солиш	Қ	1	32	
26	Буюмни тайёр буюмлар омборига юбориш	Қ	1	68	
	Жам	Қ	4	176	

Ҳаммаси			1210	
---------	--	--	------	--

2.1 Оқимнинг дастлабки ҳисоби.

Оқим технологик схемасини тузиш учун оқимнинг дастлабки ҳисобини бажариш лозим. Технологик оқимни ҳисоблаш учун асосий параметрлардан бири берилиши лозим.

Асосий параметрларга қуйидагилар киради:

- оқимнинг қуввати;
- ишчилар сони;
- оқим ёки сеҳ майдони;
- оқим узунлиги.

Технологик оқимнинг дастлабки ҳисобини бажаришидан мақсад, катталаштирилган кўрсаткичларга асосланиб, ҳисоб-китобларни бажармасдан оқим қувватини, ишчилар сонини, оқим узунлигини, сеҳ майдонини ва сеҳдаги оқимларни тахминан жойлаштириш керак бўлади.

Лойиҳаланадиган оқимнинг асосий параметрларига қуйидагилар киради:

$K_{ок}$ – сменада оқим қуввати ёки сеҳ қуввати, дона/см;

$N_{иш}$ – ишчилар сони, (бир буюмни ишлаб чиқариш учун рационал ишчилар сони)

; $S_{т.с.}$ – тикув сеҳи майдони, м²;

$L_{о.уз.}$ – оқим узунлиги, м.

Кўрсатилган тўртта параметрлардан бири дастлабки ҳисоб учун берилади. Лойиҳаланадиган оқимнинг қўшимча параметрига қуйидагилар киради: $BS_{буюм}$ – бир буюмни ишлаб чиқаришга вақт сарфи, сек;

$P_{см.}$ – смена давомийлиги, сек;

$N_{тип.}$ – бир ишчига ажратилган типик майдон нормаси;

$L_{и.к.}$ – иш қадами (ўтириб ишлаганда – 1,35 м, тик ишлаганда 1,50 м).

Талабага вазифа берилгандан кейин у технологик жараёни ҳисоблашга киришади. У оқимниг тактини ҳисоблаши лозим.

Оқимнинг қуввати – бу бир буюмни смена давомида ишлаб чиқариш учун кетган вақт ёки бир буюмни тикиш учун сарфланган вақт.

Оқимнинг такти қуйидаги формуладан аниқланади:

а) Агар оқим қуввати берилган бўлса, оқим такти аниқланади.

$$\tau = \frac{P_{см}}{K_{ок}}; \text{см / дона}$$

бунда: $P_{см.}$ - смена давомийлиги, сек;

$K_{ок}$ - берилган оқим қуввати, дона

б) Агар оқимдаги ишчилар сони берилган бўлса:

$$N(ишчи) = \frac{T_{буюм}}{\tau}$$

бунда: $T_{\text{буюм}}$ – буюмни ишлаб чиқаришга сарфланган вақт.

Буюмни ишлаб чиқариш учун кетган умумий вақт “Технологик кетма- кетлик” 2.1.жадвалдан олинади.

$$C_{м.с.} = N_{иш} * N_{тип} * K_{ўрт.} * n, \text{ кв.м.}$$

Бунда: $N_{тип.}$ - битта ишчига ажратилган типик (санитар) майдон 4); нормаси (Илова-

n - тикув сеҳи оқимлар сони (3-6 га)

Технологик жиҳатдан бўлинмайдиган операцияларнинг давом етиш вақти

турлича бўлгани учун уларнинг вақтлари йиғиндиси (ташкилий операция вақтини) тактга тенг ёки каррали қилиб танлаб олиш ҳар доим бўлавермайди. Агрегат – гуруҳ оқимлар учун сарфланадиган вақт $\pm 10\%$, $\pm 15\%$ фарқ билан ҳисобланади.

Ана шунга асосан операциялар вақтини мослаш шарти қуйидаги кўринишда бўлади:

$$t_0 = (0,95: 1,15) * \tau * N, \text{ сек}$$

бу ерда:

t_0 - ташкилий операцияларга сарфланадиган вақт, сек;

τ – оқимнинг такти, сек;

N – операцияни бажарадиган ишчилар сони, киши.

Мослама шартлари оқим турига асосланган ҳолда олинади ва уларни ҳисоблагандан кейин ташкилий технологик схемани тузиш учун бўлинмас операциялардан ташкилий операцияларни тузадилар.

ИИИ. Механик кисми

3.1 Тикув машиналари турлари, узел ва механизмлари ҳақида маълумотлар киритилади

Ҳозиргивақтда жаҳонда тикув машиналарини ишлаб чиқарувчи 100 дан ортиқ фирма

ва корхоналар мавжуд. Шулардан енг йирик фирма ва машинасозлик корхоналари ҳақида тўхталамиз. "Зингер" машинасозлик фирмаси ташкил қилинганидан ҳозирга

қадар асосан тери ва тикувчилик маҳсулотларини тайёрлашга мўлжалланган моки

баҳяли маиший ва саноат тикув машиналарини ишлаб чиқармоқда.

"Штробел" (Германия) фирмасининг 200 дан ортиқ турли типдаги кўринмас чок ҳосил қилиб тикувчи машиналари кўп давлатларда

жумладан, мамлакатимиз енгил саноати корхоналарида кенг

қўлланилмоқда. Занжирсимон баҳяли тикув машиналари Америкада

"ЙУнион Специал", ярим автоматик равишда ишлайдиган тикувчилик

саноати машиналари еса "Рисс" фирмаларида ишлаб чиқарилиши ёлга

кўйилган. "Римолди" (Италия) фирмасида ишлаб чиқарилаётган бир, икки

ва кўп ипли занжирсимон баҳяли такомиллаштирилган, автоматик

бошқарувли ва мураккаб технологик жараёнларни бажарувчи махсус тикув

машиналарида тикиш сифатини назорат қилувчи электрон қурилмалар

ўрнатилган. Кейинги 25-30 йил ичида ЎАпонияда тикувчилик саноати

машинасозлиги анча ривожланди. "ЎАмото",

"Жуки", "Кансаи Специал", "Сейко" фирмаларида пневматик ва

электроник механикавий қурилмали автоматик ва яримавтоматик

машиналар, автоматик бошқарувли тизимлар катта ҳажмда ишлаб

чиқарилмоқда.

"Дюркопп" фирмасининг синиқ баҳяқатор ҳосил қилиб тикувчи машинаси. Бу машина еркақлар, аёллар ва болалар устки кийим деталларини синиқ баҳяқатор юритиб тикишга мўлжалланган. Баҳя узунлиги 4 мм. Синиқ баҳяқаторнинг енини 6 мм га ўзгартириш мумкин. Асосий валининг айланишлар сони 5000 мин.

Горизонталўрнатилган мокили, игнаси платформаганаисбатан вертикал ва бўйлама ҳаракатланувчи, материални сурадиган рейкали, типни автоматик қирқувчи механизмли машина. Моки қурилмасини мойлаш учун алоҳида система ўрнатилган. Максимал тезликда ҳам баҳянинг таранглиниш аниқ таъминланади. Асосий валдан айланма ҳаракат тишли тасмали узатма орқали остки валга узатилади. Машинага қўшимча қурилма ва элементлар ўрнатилиб турли ишларни бажариш имкони бор

285 (россия) русумли тикув машинаси: Россиядаги Подолск механика заводи ишлаб чиқарадиган бу машина кўйлак, юбкалар етагини бир ипли занжирсимон яширин баҳяқатор юритиб тикишга мўлжалланган. Бу машинани қавиш ишларида ҳам ишлатиш мумкин. Асосий валининг айланиш частотаси 3200 мин гача, баҳясининг йириклиги 0 дан 7 мм гача ростланади, букиб тикиладиган материалларнинг қалинлиги 3 мм гача.

"Минерва" (Чехия) фирмасининг 335 русумли тикув машина синиқ моки баҳяқатор юритиб тикишга мўлжалланган бўлиб, икки вариантда ишлаб чиқарилади:

335-121 русумли тикув машинаси костюмбоп ва палтобоп газламалардан тикувчилик буюмлари тикишга ва 335-221 русумли тикув машинаси трикотаж ва енгил газламадан тикиладиган буюмларни тикишга мўлжалланган. Биринчи вариант машина асосий валининг айланиш частотаси 4000 мин гача, иккинчи вариантники

4200 мин. гача, баҳясининг йириклиги 0 дан 5 мм гача ростланади, баҳяқаторнинг кенглиги биринчи вариантда 0 дан 10 мм гача, иккинчи вариантда 0 дан 6 мм гача ростланади.

Тикув машиналарининг турлари.

Ҳозирги вақтда вазифаси ва тузилиши жиҳатидан турли хил бўлган, фан ва техниканинг охириги ютуқларига асосланиб яратилган, замонавий технология талабларига жавоб берувчи, автоматлаштирилган ва электрон бошқарувли тикув машиналари ишлаб чиқарилмоқда.

Баҳяқатор ҳосил бўлиш жараёнида иплар чалишиш характериға қараб тикув машиналари икки гуруҳға бўлинади:

- моки баҳяли тикув машиналари;
- занжирсимон баҳяли тикув машиналари.

Моки баҳяқатори кам чўзилувчанлиги ва пухталиқ хусусиятиға еға бўлганлиги учун, моки баҳяли тикувчи машиналари асосан қалин газламаларни тикиш учун мўлжалланган.

Занжирсимон баҳяқатор ҳосил қилиб тикувчи машиналар чўзилувчан трикотаж газламаларни тикишға ва кийим деталларини вақтинчалиқ бирлаштиришға мўлжалланган.

Тикув машиналарининг асосий механизмлари.

Моки занжирсимон баҳя ҳосил қилиб тикувчи машиналар қуйидаги асосий механизмлардан тузилган:

- игна механизми;
- моки ва чалиштиргич механизмлари;
- материални суриш механизми;
- ип тортгич (ип узатгич) механизми;
- тепки узели.

ЙУқорида кўрсатилган асосий механизмлар қаториға баъзи тикув машиналарида қўлланилган тақсимлагич, кенгайтиргич каби механизмлар ҳам киради.

3.2 "Минерва" (Чехия) фирмасининг 335-221 русумли тикув машинасининг ишлаш принципи

Бу машина синиқ моки баҳяқатор юритиб тикишға мўлжалланган бўлиб, икки вариантда ишлаб чиқарилади: 335-121 русумли тикув машинаси костюмбоп ва палтобоп газламалар тикувчилик буюмлари тикишға ва 335-221 русумли тикув машинаси трикотаж ва енгил газламадан


тикиладиган буюмларни тикишга мўлжалланган.
Биринчи вариант машина асосий валининг айланиш частотаси 4000 айл/мин
гача, иккинчи вариантники 4200 айл/мин. гача, бахясининг йириклиги 0

дан 5 мм гача ростланади, баҳяқаторнинг кенглиги биринчи вариантда 0 дан 10 мм гача, иккинчи вариантда 0 дан 6 мм гача ростланади.

Машинада кривошип-шатунли игна механизми, четлаткичи бор айланма моки, шарнир-стерженли иптортгич, материалларни сурадиган рейка типигаги механизм,

чокларни пухталаш қурилмаси бор. Бундан ташқари, биринчи вариант машинада синиқ баҳяқаторни игна пластинаси марказига нисбатан ўнгга ёки чапга суриш қурилмаси ҳам бор. Моки автоматик мойланади, моки вали мой картерининг ичида айланади.

Ип тақиш. Ип ўрами ёки ғалтакдан чиққан устки ип стержен 7 нинг (69- расм) тешигидан, ип ёъналтириш бурчаклиги 6 нинг учта тешигидан бирин-кетин ўтказилади, устки ипни таранглаш ростлагичнинг шайбалари 14 орасидан айлантириб ўтиб, ип тортиш пружинаси 4 нинг ҳалқасига киритилади, ўнгдан юқорига қаратиб ип ёъналтиргич 3 нинг ортига олиб ўтилади ва ўнгдан чапга иптортгич 5 нинг қулоғига тақилади. Кейин юқоридан пастга ипни сим ип ёъналтиргич 13 дан, игна тутгич 2 нинг тешигидан ўтказиб, тикувчидан нарига томон игна 1 кўзига тақилади.



70-расм. 335-121 русумли тикув машинаси кинематик схемаси

Материални суриш механизми куйидагича тузилган. Тишли рейка 38 бўйлама ҳаракатни 22 остки валдан эксцентрик 29, шатун 30, коромисло 31, суриш вали 32 ва коромисло 39 лардан олади. Баҳя қадами, ростлагич 20 ариқчасига ўрнатилган бармоқ 19 ҳолатини ўзгартириб соланади. Бармоқ 19 ҳолатини вилка 18 аниқлайди. Вилка 19 коромисло 24 звено 25, тортигич 26 ва муфта 28 билан боғланган. Ричаг

21 материал сурилиш ёъналиш ўзгартириш учун хизмат қилади. Материални вертикал суриш узели худди 1022-М тикув машинасидаги кабидир.

Асосий ростлашлар. Баҳяқатор кенглиги даста 8 ни (69-расмга қаранг) босиб ва уни даражаланган шкала 9 га нисбатан буриб ростланади. Агар даста 8 ни соат мили ҳаракати ёъналишида бурилса, баҳяқаторнинг кенглиги ошади.

Синиқ баҳяқаторнинг игна пластинаси марказига нисбатан ҳолати даста 10 ни босиб, шу дастанинг ўзини даражаланган шкала 9 даги учта белги Р, С, Л га нисбатан буриб ростланади. Биринчи белги синиқ баҳяқаторнинг ўнг томондаги ҳолатига, иккинчи белги марказий ҳолатига, учинчиси еса чап томондаги ҳолатига мос келади.

Баҳя йириклигини машина танасидаги белгига нисбатан даста 11 ни буриб ростланади. Агар даста 11 ни соат мили ҳаракати ёъналишида бурилса, баҳя йириклашади.

Баҳяқаторни пухталашда даста 12 га босилади. Қолган ҳамма
ростлашлар
бошқа тикув машиналаридагидек
бажарилади.

Ҳозирги пайтда "Минерва" фирмаси чиқарадиган 72524-105 русумли
тикув машинаси ич кийим ва комтјумбоп материалларга ишлов беришда
синиқ моки баҳяқатор юритиб ҳам қавиб, ҳам букиб тикишга мўлжалланган.
Машина асосий валининг айланиш частотаси 4400 мин гача, баҳясининг
йириклиги 0 дан 4,5 мм гача ростланади, баҳяқатор кенглиги 0 дан 10 мм
гача, материалларнинг тепки тагида қисилган ҳолатдаги максимал қалинлиги
4 мм.

Бу машинанинг 335 русумли тикув машинасидан фарқи шундаки, бу
машина игна юқори ҳолатдалигида машинани автоматик тўхтатадиган
механизм ва ип қирққич билан таъминланган бўлади.

3.1. Минерва 221 русумли тикув машинаси игна

механизмининг ишлаш принципи.

Игна механизми иккита узелдан иборат: игнани вертикал
ҳаракатлантириш узели ва горизонтал оғма ҳаракатлантириш узели.

Бош вал 6, 15 думалаш подшипникларда ва 14 втулка ичида
илгариланма

қайтма ҳаракатланади. Бош валнинг чап учига қўшалок бармоқ
ўрнатилган эксцентрик маҳкамланган. Бармоқни ташқи елкасига 3-шатунинг
устки каллаги кийдирилган. Шатуннинг остки каллаги поводок бармоғига
кийдирилади. Поводок тортиш винти ёрдамида игнаюритгич 42 га
маҳкамланган шатун 8, устки ва остки каллақларининг шарнирли боғланиши
игнаюритгичнинг баҳяқаторга кўндаланг сурилишни таъминлайди.

Игнаюритгич 42 рамка 41 нинг иккита ёъналтиргичи ва ползун 7
ўрнатилган ёъналтиргич 3 да ҳаракатланади. Бу
машинада 1022-М русумли тикув
машинасидегидек кривошип коромислоли иптортгич механизми қўлланилган.

Игнани горизонтал оғма ҳаракати қуйидагича таъминланади.

Игнаюритгич

рамкаси 41 эксцентриксимон шпилка 40 орқали кулисали шатун 27 билан
шарнирли боғланган. У ўз навбатида уч марказли кулачок 9 дан ҳаракатни
олади. Тишли ғирдирак 8 бош валга нисбатан 2 марта кам айланади. Кулиса-
шатун 27 созлагич


11 ариқчасида ҳаракатланадиган ползун 10 билан шарнирли
боғланган.

Ўқ 12 олд учига рычаг 16 маҳкамланган бўлиб, у игна силжиш
масофасини ўзгартириш имконини беради. Моки 34 бош валдан тишли тасма
17 орқали айланма ҳаракатланади. Остки вал 22 нинг чап учига
эксцентрик 28 ўрнатилган
бўлиб, ундан найча ушлагич итаргичи 33 буралма-қайтма ҳаракатини олади.



3.2. Минерва 221 русумли тикув машинаси игна механизмини тўлиқ структуравий таҳлил қилиб, академик Чебишев П.А. формуласи бўйича етакловчи звенони ва Ассур гуруҳини алоҳида-алоҳида қўзғалувчанлик даражасини топиши лозим бўлади.

Минерва 221 русумли тикув машинасини игна механизмини структуравий таҳлили.



Берилган:

Механизм

звеноларини

нғ узунликлари:

L_{O_1A} - кривошип узунлиги,

мм.

L_{AB} - шатун узунлиги, мм.

C_y - игна ёъли, мм.


ω_1 – кривошип бурчак тезлиги, p/c.

8-расм. Игна механизмининг кинематик схемаси.

Игна механизмининг структуравий таҳлили етакловчи звенодан бошланади. Игна механизми ўз таркибига қуйидаги звеноларни олган:

1-кривошип, 2-шатун, 3-игна ёъналтиргич, 4-қўзғалмас звено (таянч).

Кривошип ўз ўқи атрофида 360° га бир текисда айланма ҳаракат қилади. Шатун звеноси А нуқта бўйича айланма, В нуқта бўйича илгариланма–қайтма ҳаракат қилади. Натижада шу звенода мураккаб ҳаракат содир бўлади. Игна ёъналтиргич ўз навбатида илгариланма–қайтма ҳаракат қилади. Таянчнинг қўзғалмас ҳаракати еса 0 га тенг бўлади.



9-расм. O_1 таянч билан кривошипнинг боғланиш схемаси.

O_1 таянч билан кривошипнинг боғланиши Ассур бўйича II-синф 1-тартибли механизм деб қабул қилинади.

$$n=1, P_5=1 \text{ (1-4)}$$

н-қўзғалувчан звено сони.

Академик Чебишев П.А. формуласи бўйича қўзғалувчанлик даражасини топамиз.


$$W=3n - 2\Pi_5 - 1P_4$$

P_4 – ИВ-синф кинематик жуфтлар сони бўлиб, ричакли механизмларда мавжуд бўлмайди, яъни «0» га тенг бўлади.

$$\text{У вақтда } W=3n - 2\Pi_5 - 1P_4 = 3n - 2\Pi_5 - 1*0=1$$

Демак, кривошип – игна механизмининг ҳаракатини таъминловчи звено бўлиб хизмат қилади.

Ассур гуруҳи.



10-расм. Шатун ва игна ёъналтиргич звеноларининг боғланиш схемаси.

Чизмада қўзғалувчан звенолар сони $n=2$ (2,3)

В-синф кинематик жуфтлар сони $\Pi_5=3$ (1-2, 2-3, 3-

4)

$$P_4=0 \quad W=3n - 2\Pi_5 - 1P_4 = 3*3 - 2*3 - 1*0=0$$

Демак, бу ерда Ассур гуруҳи ҳаракатда бўлмаган гуруҳ ҳисобланади, яъни

$$W=0.$$

Игна механизмининг қўзғалувчанлик даражасини аниқлаймиз

$$W=3n - 2\Pi_5 - 1P_4 = 3*3 - 2*4 - 1*0=1$$

Бу ерда:

$$n=3 \quad (1, 2, 3) \quad P_5= 4(1-4, 1-2, 2-3, 3-4) \quad P_4 =0$$

Демак, формуладан кўринадики, игна механизмини кривошип звеноси ҳаракатга келтиради.

Механизмнинг структуравий тузилиш формуласи қуйидагича бўлади:

$$W_{\text{механизм}} = W_{\text{II-синф 1-тартибли механизм}} + W_{\text{II-синф 2-тартибли Ассур}} = 1+0=1$$

Методик қисми

Ҳозирги даврда таълим тизими олдида турган долзарб вазифалардан бири ўқитишда замонавий педагогик технологиялар ва ютуқлардан кенг фойдаланиш, уларни ўқув жараёнига жорий қилиб бориш ҳамда ривожланган мамлакатларнинг тажрибаларини мамлакатимиз таълим тизимига тадбиқ қилиш муҳим ҳисобланади.

Таълим муассасаларида малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини кўп жиҳатдан тикув ва тикув-трикотаж ишлаб чиқариш технологияси фанини самарали ўқитиш белгилайди. Тикув ва тикув-трикотаж ишлаб чиқариш технологияси фанини ўрганишда кўпроқ амалийлик юқори бўлганлиги, ишлаб чиқаришга яқинроқ ҳисобланганлиги умумтаълим фанларидан фарқли эканлигини кўрсатади. Тикув ва тикув- трикотаж ишлаб чиқариш технологияси фанлардан ўқитиш методларини танлаш ва ўқув мақсадларини белгилаш ҳам ўзига хосликни талаб этади. Тикув ва тикув- трикотаж ишлаб чиқариш

технологияси фанининг етакчи компоненти бўлиб
«Фаолият усуллари» ҳисобланади. Шунинг учун ҳам махсус фанларидан
ўқув адабиётларини яратиш ва шу билан боғлиқ бўлган таълим мазмунини
белгилашда,

ўқув жараёнини ташкил етишда, ўқитишнинг самарали методларини танлашда чуқур дидактик таҳлил ўтказиш лозим.

Тикув ва тикув-трикотаж ишлаб чиқариш
технологияси фанлар ишлаб чиқаришнинг аниқ
соҳалари бўйича аниқ мутахассислик
хусусиятларини акс

еттирувчи бевосита чуқур, пухта билимлар берувчи, тегишли кўникма ва малакалар ҳосил қилувчи жараёнларни қамраб олади.

Илғор технологиялар, янги техникалар ва фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий етиш, халқ хўжалиги баъзи тармоқларининг ривожланишигагина емас, балки барча соҳаларнинг (қурилиш, машинасозлик, қишлоқ хўжалиги, саноат, алоқа, хизмат кўрсатиш ва бошқа) тараққиётига ва бошқариш, ташкил етиш, иқтисодиётга ҳам сезиларли таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам техника ва технологияларнинг ўзгариб ва янгиланиб бориши ҳар бир мутахассиснинг кенг дунёқараш ва чуқур билимга ега бўлишини ҳамда бир неча хил юмушларни бажара олишини талаб этади.

Махсус фанлари мазмуни муайян ёъналиш ёки ихтисосликнинг тавсифига мос тушиши, яъни таълим олувчининг егаллайдиган касби бўйича бажариладиган фаолият усулларини ўзида қамраб олиши керак. Таълим олувчиларда касбий - политехник ва касбий - техникавий тушунчаларни шакллантириш учун махсус фанининг мазмунини белгилашда политехник тамойилга риоя қилиш лозим.

4.1. Кейс-стади ҳақида

маълумот

Ушбу метод дастлаб 1920 йилда Гарвард бизнес мактабида қўлланилган.

Гарвард бизнес мактабининг ўқитувчилари бизнес ёъналишидаги аспирантура бўлими учун тўғри келадиган дарсликларнинг мавжуд емаслигини тез англайдилар. Ушбу масалани ечиш учун бизнес мактабининг ўқитувчилари томонидан қўйилган дастлабки қадам етакчи бизнес амалиётчиларидан интервью олиш ҳамда мана шу менеджерларнинг фаолияти, унга таъсир етувчи омиллар юзасидан батафсил хисобот ёзиш бўлди. Маъруза тингловчиларга у ёки бу ташкилот тўқнаш келган конкрет вазият, ушбу вазиятни таҳлил етиш ва мустақил равишда ёки жамоа бўлиб мунозара ташкил етиш асосида унинг ечими топиш тарзида тақдим етилар еди. Кейинчалик кейс методи бизнес ёъналишидаги таълим муассасаларида кенг тарғиб етилган. Ҳозирги кунда еса, касбий компетентликни ривожлантириш нуқтаи назаридан мазкур метод тарафдорлари кўпайиб бормоқда. XX асрнинг 50 йилларидан бошлаб бизнес-кейслар Ғарбий Европа мамлакатларида оммалашди. Европанинг етакчи бизнес мактаблари кейс-стади методи асосида дарс берибгина қолмай, кейсларни яратишда ҳам фаол иштирок ета бошлайдилар.

Кейс-стади инглизча сасе – аниқ вазият, студй – таълим сўзларининг бирикувидан ҳосил қилинган бўлиб, аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил етиш ва ижтимоий аҳамиятга ега натижаларга еришишга асосланган таълим

методидир. Мазкур метод муаммоли таълим методидан фарқли равишда реал вазиятларни ўрганиш асосида аниқ қарорлар қабул қилишга асосланади. Агар у ўқув жараёнида маълум бир мақсадга еришиш ёъли сифатида қўлланилса, метод характериға еға бўлади, бирор бир жараёни тадқиқ етишда босқичма-босқич, маълум бир алгоритм асосида амалға оширилса, технологик жиҳатни ўзида акс еттиради.

**Кейс-стади
мактаблари**



Кейс турлари: Кейс – бу яхлит ахборотлар мажмуи. Қоидага кўра, кейс уч қисмдан иборат бўлади: 1) кейсни таҳлил етиш учун зарур ёрдамчи ахборотлар; 2) аниқ вазият баёни; 3) кейс топшириғи.

1. Босма ҳолатдаги кейс (уни янада кўргазмали бўлишини таъминлайдиган график, жадвал, диаграмма, иллюстрацияларни ҳам ўз ичига олади).
2. Мултимедиа-кейс (сўнгги вақтларда кенг қўллашни талаб этаётган).
3. Видео кейс (филм, аудио ва видео материаллардан иборат бўлиши мумкин).

Кейс-стади методида қўлланиладиган таҳлил (анализ) турлари

№	Tahliliy faoliyat turlari	Tavsifi	Namoyon bo'lish shakli
1.	Muammoli tahlil	Muammolarni ajratish; muammolar ko'lamini va ularning tasnifini shakllantirish.	vaziyatning muammoli jihatlarini tahlil qilish; vaziyatning muammoli shartlarini tahlil qilish; vaziyatning muammoli oqibatlarini tahlil qilish.
